

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 31 (1092), 2024 йил 13 февраль, сешанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА УНУМДОРЛИК
ВА МАНФААТДОРЛИКНИ
ОШИРИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 12 февраль куни қишлоқ хўжалигида ишга солинмаган янги захираларни сафарбар этиш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги ҳам миқдор, ҳам самарадорлик жиҳатидан ривожланмоқда. Кластер тизими орқали юқори унумли техника ва чуқур қайта ишлаш кириб келмоқда. 2023 йилда соҳада ишлаб чиқариш 4,1 фоизга ўсиб, 426 триллион сўмни ташкил қилган. Экспорт эса қарийб 2 миллиард долларга етган. 152 миң гектар бог ва тоқзорлар барпо этилиб, 185 миң тонна мева-сабзавот, 31 миң тонна гўшт ва 485 миң тонна сунни қайта ишлаш қувватлари ишга туширилган.

Яқин тарихимизда илк бор пахтадан 3 миллион 700 миң тонна, галладан 8 миллион тонна ҳосил олинди. Уларнинг ҳисобини юритиш ва маҳсулотни сотиш тизими тўлиқ рақамлаштирилди.

Йиғилишда асосий эътибор қишлоқ хўжалигида унумдорликни ошириш, таннархни камайтириш, сувни тежашга қаратилиб, галдаги вазифалар белгиланди.

Президентимиз ер ва сув ресурслари чекланган шароитда янгилаш ишлаб, маҳсулотни кўпайтириш, соҳада санаот муҳитини олиб кириш зарурлигини таъкидлади.

Масалан, юртимизда бир гектар майдондан олинмаган ўртача ҳосил илгор мамлакатлардагига қараганда кам. Лекин ўғит ҳам, ёқил ҳам, сув ҳам 2 карра кўп ишлатилади. Шу боис, хориждан серурум чигит ва уруғлар олиб келиб, деҳқонларни янги агротехнологияларга ўқитиб, ҳосилдорликни пахтада 50 центнер, галлада 100 центнерга етказиш мумкинлиги айтилди.

Давлатимиз раҳбари фермерларнинг манфаатдорлиги масаласига алоҳида эътибор қаратди. Бугунги кунда янги тартиб асосида пахта хомашёси биржа орқали сотилмоқда. Нью-Йорк биржасида пахта нархи ошмоқда. Галлачиликда ҳам бозор муносабатлари ҳисобига фермерларнинг даромади 2 баравар ортган.

— Агар деҳқон ва фермерни иқтисодий манфаатдор қилсак, улар давлат маблағисиз ҳам ишлаш оладиган вақтлар келади. Менинг максим шу, — деди Шавкат Мирзиёев.

Манфаатдорликни янада ошириш учун бу йил пахтачиликда бўлгани каби галла етиштиришда ҳам имтиёзли кредитни тўғридан-тўғри фермерга бериш тизими жорий қилинади. Бундан ташқари, давлат ресурси учун харид қилинган бугдойни даладан ташиб келиш ва сақлаш харажати ҳам тўлиқ бюджетдан қопланади.

Фермер хўжалиқларининг барқарорлигида харажат қамлиги ҳам муҳим. Шунинг учун минерал ўғитлар таннархини бу йил 15 фоизга камайтириш, уларни биржага етарлича чиқариш, яна 70 та туманда ўғит омборлари ташкил қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Шунингдек, минерал ўғит сифати ва устамаси алоҳида назоратта олинади. Фермерларга ўз ҳисобидан ўғит сотиб олиш бўйича қўлайлик яратилади. Жойлардаги омборлардан минерал ўғитни ташини учун транспортни логистика порталида мажбурий рўйхатдан ўтказиш тартиби бекор қилинади.

Сув йўқотилишини камайтириш мақсадига бу йил 75 та йирик канални бетонлашга бюджетдан 680 миллиард сўм ажратилган. Сув тежовчи технологиялар учун 3 йил имтиёзли давр билан 5 йилга 14 фоизли кредит бериш йўлга қўйилган. Йиғилишда бу борада худудлардаги ишлар таҳлил қилиниб, суствашиқлар кўрсатиб ўтилди.

Соҳада ҳисоб-китоб интизомида ҳам камчиликлар борлиги айтилди. Масалан, кластерларнинг фермерлар олдидаги қарздорлиги ҳали тўлиқ тўланмаган.

Энди янги тизимга кўра, олдинги қарзини 1 апрелгача тўлиқ тўламаган кластер билан фьючерс шартномаси бекор қилинади ва фермерга пахтадан биржада сотишга ружуат берилади. Маълумотни электрон платформага киритган ва фьючерс шартнома имзолаган фермерга кредит кўпи билан уч кун ичида ажратилиши шарт этиб белгилади.

Йиғилишда мева-сабзавот етиштириш ҳамда экспортни ҳажмини ошириш чоралари ҳам кўриб чиқилди.

Бунинг учун аввал ажратилган 200 миң гектарга қўшимча, яна 60 миң гектар ер аҳоли тарқатиб берилади. Шунингдек, томир-каларда кооперация асосида маҳсулот етиштириш қўллаб-қувватланади. Бу мақсадларга 100 миллион сўмгача гаровсиз, 150 миллион сўмгача гаров таъминоти пасайтирилган ҳолда имтиёзли кредитлар тақдим этилади. Фермер ва деҳқонларга зарур техникалар “Ўзгрозинг” акциядорлик жамияти томонидан 10 йил муддатга 3 йил имтиёзли давр билан лизингга берилади. Четдан олиб келинадиган мотокультиватор ва минитракторларга божхона имтиёзи 3 йилга узайтирилади.

Сўнгги йилларда юртимизда иссиқхона майдонлари, уларда етиштирилган маҳсулотлар ҳажми 3 баробарга кўпайган. Бугунги кунда ёқилсиз иситиладиган иссиқхоналар барпо қилиш омалашиб борапти.

Президент бу тажрибани маъқуллаб, уларни кўпайтириш, деҳқонларга тайёр ҳолда қўриб бериш зарурлигини таъкидлади. Бунинг учун “Оилавий тадбиркорлик” дастури доирасида 100 миллион сўмгача гаровсиз кредит берилади.

Қишлоқ хўжалигида инвестициялар ҳам фаол жалб этилмоқда. Жорий йилда 655 миллион доллар хорижий сармояни ўзлаштириш

режалаштирилган. Лойиҳаларда бозорга сархи маҳсулотлар етказиб бериш, озиқ-овқат инфляциясини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмади. Хусусан, импорт ўрнини босувчи 25 турдаги озиқ-овқат бўйича 342 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Бунинг давом эттириб, янги лойиҳалар ишлаб чиқиш, халқаро брендларни жалб қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан янги лойиҳалар учун 10 йил муддатга, айланма маблағ учун 2 йил муддатга миллий валютада 18 фоиздан кредит ажратилади. Машҳур брендлар буюртмаларини қорхоналарга жойлаштирадиган сорсинг компанияларни жалб қилиш харажати 50 фоиз қопланади. Бунда ҳар бир брендга 500 миллион сўмгача субсидия берилади.

Эндиликда сўмда экспорт қилган тадбиркорларга ҳам қўшилган қиймат солиғи қайтариб берилиши маълум қилинди.

Йиғилишда чорвачилик, ипакчилик ва балчиқчилик тармоқларини қўллаб-қувватлаш чоралари ҳам белгиланди.

Хусусан, чорва комплекси ташкил қилиш, қорамол олиш, омикта ем чиқариш учун миллий валютада 17 фоиздан 3 йил имтиёзли давр билан 10 йилга кредит берилади. Чорва хўжалиқларини айланма маблағ билан таъминлашга ҳам 1 триллион сўм имтиёзли кредит йўналтирилди. Унинг 18 фоиздан ошган қисми Тадбиркорлик жамғармасидан қоплаб берилади.

Пилани Вьетнам ва Хитой тажрибаси асосида санаот усулида етиштириш йўлга қўйилди, ўрма тузторлар барпо этилади. Ипакчилик институти хузурида 2 та насли уруғлик станцияси ишга туширилади.

Тармоқда моддий манфаатдорликни ошириш учун икки босқичда бозор тамойилларига ўтилади. Бу йил биринчи босқичда пилла нархи 25 фоизга оширилади. Аҳолига пилла етиштириш учун субсидия берилади ва пилла етиштирувчилар даромади солиғидан озод қилинади. Иккинчи босқичда 2025 йилдан нархини давлат белгилаш, кластерларга муайян туман ва фермерлар бириктирилишидан воз кечилади. Пилла фермер билан кластер ўртасида эркин нарҳда тузиладиган шартнома асосида ёки биржа орқали сотилади.

Дарё бўйларида ва хонадонларда ҳавзалар ўрнатиб, баллиқ етиштиришни кўпайтириш бўйича ҳам вазифалар кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасаддиларнинг ҳисобот ва режалари эшитилди.

ЎЗА

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР
ТАШКИЛОТИНИНГ ЁВВОЙИ ҲАЙВОНЛАРНИНГ
КЎЧИБ ЮРУВЧИ ТУРЛАРИНИ
САҚЛАБ ҚОЛИШГА ДОИР КОНВЕНЦИЯСИ
ТОМОНЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ
14-ЙИГИЛИШИ ИШТИРОКЧИЛАРИГАХурматли делегатлар!
Хонимлар ва жаноблар!

Атроф-муҳит ва биохилма-хилликни сақлаш йўлидаги муҳим халқаро тадбир — Ёввойи Ҳайвонларнинг Кўчиб Юрвчи Турларини Сақлаб Қолишга Доир Конвенцияси йиғилишининг барча иштирокчилари ва меҳмонларини самимий табриқлайман.

Аваллабор, Конвенция котибияти ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича дастурига ушбу нуфузли анжумани мамлакатимизда ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватлагани учун чуқур миннатдорчилик ихроф этаман.

Жаҳон цивилизацияси бешиқларидан бири, бебаҳо мезморчилик дурдонаси ҳисобланган кўҳна Самарқандга хуш келибсиз!

Сўнгги йилларда ушбу қадимий ва бекор шаҳар қатор долзарб муаммолар бўйича мулоқотларнинг глобал марказига айланиб бормоқда. Мазкур форум Самарқанднинг экологик дипломатиянинг таъсирли марказларидан бири сифатида мақомини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шу ўринда 2023 йилнинг декабрь ойида бу ерда қўлланишга қарши кураш бўйича халқаро анжуман ўтказилганини, жорий йил апрель ойида эса Марказий Осиёда иқлим ўзгаришларига бағишланган йирик форум ташкил этилишининг алоҳида таъкидламоқчиман.

Хурматли конференция иштирокчилари!

Барчангизга яхши маълумки, Ҳайвонларнинг кўчиб юрвчи турлари сайёрамизда экотизимларнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Афсуски, ҳозирги кунда улар иқлим ўзгариши, яшаш жойларининг яроқсиз хўлга келиши, ноқонуний ов ва савдо каби жиддий таҳдидлар билан тўқнаш келмоқда.

Натижада Ҳайвонларнинг генетик ресурслари қисқармоқда, уларнинг нодир ва ноб турлари, табиий уйғунлик ва экотизимлар йўқолиб бормоқда.

Тадқиқотларга кўра, Ер юзидан сўнгги 50 йилда уларнинг 100 дан ортиқ турлари, Марказий Осиёда эса 26 турдаги қушлар, 12 турдаги сут эмизувчилар, жумладан, Турон йўлбарси, Осиё қопло-

ни ва бошқа эндемик турлар бутунлай йўқ бўлиб кетди.

Биохилма-хилликни келажақ авлодлар ва барқарор ривожланиш учун сақлаш, Ёввойи Ҳайвонларнинг Кўчиб Юрвчи Турларини Таъминлаш — бизнинг умумий мақсадимиздир. Бу бутун халқаро ҳамжамият саз-й-ҳаракатларини бирлаштириш, мувофиқлаштирилган ва кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади.

Хурматли анжуман иштирокчилари! Ўзбекистонда кўчиб юрвчи ёввойи Ҳайвонлар турларини сақлашга катта эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йилларда, энг аввало, соҳанинг ҳуқуқий базаси такомиллаштирилди, янги қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди ва уларнинг самарали ижроси таъминланмоқда. Давлат бошқарув органлари, бизнес ва фуқаролик жамиятларининг иктымий масъулиятини оширишни қамраб олган институционал тизим мустаҳкамланмоқда.

Мазкур соҳада фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг энг илгор мактаби бўлган Фанлар академиясининг Зоология институти ўз фаолиятини қайта тиклади. Қисқа муддатда кўчиб юрвчи турларини ишончли ҳимоя қилишни таъминловчи қўриқланадиган табиий худудлар уч қаррада ошрилиб, мамлакатимиз умумий майдонининг 14 фоизига етказилди. Ўзбекистоннинг нодир табиат ландшафтлари ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон табиий мерос рўйхати, Бутунжаҳон биосфера резерватлари тармоғига ва Рамсар конвенцияси объектлари рўйхатига киритилди.

Ёввойи Ҳайвонларни парварिश қилиш учун янги питомниклар ташкил этилди. Ноб қуш турлари ва сут эмизувчиларни ўз яшаш маконларига кўпайишини қайта тиклаш бўйича дастурлар амалга оширилмоқда. Орол денгизининг қуриган тубида 2 миллион гектар майдонда ўрмонлар яратилгани ўсимликлар хилма-хиллигини ва ҳайвонот дунёсини қайта тиклаш имконини бermoқда.

Ўзбекистон 2024-2027 йилларда Конвенцияга раислиги даврида кўчиб юрвчи Ҳайвон турларини ҳимоя қилишга ўзининг бутун куч ва салоҳиятини тўлиқ сафарбар қилишга тайёрдир.

Биз Самарқандда бу борада келгусидаги ишларимизнинг асосий йўналишларини белгилаб берадиган 2024-2032 йилларга мўлжалланган Янги стратегик режа тасдиқланаётганини олқийлаймиз.

Шунингдек, Ҳайвонларнинг кўчишига тўсиқлардан холи экологик йўлақларни яратиш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилишни қўллаб-қувватлаймиз.

Инфратузилма объеклари — автомобиль ва темир йўллар, газ қувурлари ва чегара иншоотларининг қурилиши ёввойи Ҳайвонлар миграциясига салбий таъсир кўрсатишини камайтириш учун экологик баҳо берилиши бўйича талабни кучайтириш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон трансчегаравий табиий парклар яратиш бўйича минтақа мамлакатлари билан яқин ҳамкорлик қиломоқда ва улар сонини кескин кўпайтириш ниятидамиз.

Бир вақтлар Устюрт платоси кенгликларида яшган ва инсон омил таъсирини йўқолиб кетган Осиё қоплони популяциясини қайта иқлимлаштиришни бошлаш ниятидамиз. Олимлар ва экспертларни бу йўналишда ҳамкорликка қорлаб қоламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқининг Тошкентда ўз ваколатхонасини очиб бўйича қарори учун алоҳида ташаккур айтмоқчиман. Биз ташкилотнинг минтақамиз флора ва фаунасини сақлаб қолишдек хайрли фаолиятига ҳар томонлама қўмак кўрсатишга тайёрымиз.

Хурматли форум иштирокчилари! Бугунги конференцияда қабул қилинаётган қарорларнинг ҳаётта таътиқ этилиши кўчиб юрадиган ёввойи Ҳайвонларни сақлаш бўйича халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва унинг самарадорлигини оширишга хизмат қилсин.

Бу йўлдаги шарафли ва масъулиятли ишларини гизда сизларга катта омадлар, куч-ғайрат ва янги муваффақиятлар ёр бўлишини тилаймиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Буюк Ўзбек йўли

ТАДБИРКОР МАЪНАВИЯТИ
янги давр талабларига жавоб бераптими?

(Биринчи мақола)



Бугунги кунда Президентимизнинг Республика Маънавияти ва маърифат кенгашининг 2023 йил 22 декабрь куни бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишидаги маърузаси асосида жамиятимиз маънавий ривожини янада юксалтиришга хизмат қиладиган тизимли фаолият дастурлари ишлаб чиқилиб, уларни бажариш йўллари белгилаб олинди.

Маърузанинг “Маънавий ҳаётимизда янги куч, янги ҳаракатга айланмиш керак” деб номлангани бежиз эмас, албатта. У жамиятимизда янги маънавий маконни яратиш, гоёвий баркамол авлодни воёга етказиш стратегиясининг нафақат жорий йил, балки келгуси йиллардаги фаолияти учун ҳам таянч ҳужжат вазифасини ўтайди.

Илмий-назарий жиҳатдан ушбу маъруза ҳозирги янги босқичдаги кенг қамровли маънавий-маърифий ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, жумладан, тадбиркорлар ва мулкдорлар қатламнинг бутун жамият манфаатларига мос янги маънавий қиёфасини шакллантириш йўналишидаги

ишларнинг муҳим дастуриламали экани ҳам шубҳасиз.

Маърузада кейинги йилларда маънавий ҳаётимизда эришилган марралар сарҳисобига доир келтирилган мисоллар ва далиллар кенг қўламли ислохотларнинг самарали амалиёти ва натижалари ҳақида аниқ-тиниқ тасаввур учун манба ҳисобланади, бу борадаги моддий асослар тобора мустаҳкамлашиб бораётганидан далолат беради.

Айни пайтда сўнгги 3-4 йилда халқаро майдонда бўлаётган ўзгаришлар дунё иқтисодийёти, жумладан, миллий иқтисодийётимизга ва юртимиздаги тадбиркорлар фаолиятининг баъзи йўналишларига катта таъсир ўтказмоқда. Турли зиддиятлар туфайли логистика ва маҳсулот етказиб бериш занжирида узилишлар бўлаётгани, ҳамкор мамлакатлар валютасининг қадрсизлангани, глобал миқёсда инфляция даражаси юқори бўлиб қолаётгани, молиявий ресурсларнинг илгаригига нисбатан камайиб бораётгани ва қимматлашаётгани каби омиллар таъсирини соҳа вакиллари сезиб турибди.

Бундай мураккаб шароитда муаммоларни бевоқифа бизнес вакилларининг ўзидан эшитиб, уларга биргаликда ечим топиш ва бу орқали тезкорлик билан қарор қабул қилиш энг тўғри йўлдир. Бундан уч йил олдин яхши бир тажриба — Тадбиркорлар куни арафасида Президентимизнинг соҳанинг энг илгор вакиллари билан очик мулоқот шаклидаги учрашувлари, яъни тўплаб қолган масалаларга биргаликда ечим топиш амалиёти йўлга қўйилгани ва ушбу анъана давом этаётгани бунга яққол далил.

Давоми 3-бетда

ТАБИАТ ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

12 февраль куни Самарқанддаги Конгресс марказида БМТнинг Ёввойи Ҳайвонларнинг кўчиб юрвчи турларини сақлаш бўйича конвенцияси (CMS COP14) иштирокчилари конференцияси 14-йиғилишининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

1979 йилда Германиянинг Бонн шаҳрида қабул қилинган ва 1983 йилда кучга қирган мазкур конвенцияга дунёнинг 133 давлати аъзо ҳисобланади. Ўзбекистон 1998 йилда конвенцияга қўшилган ва шундан буён унинг ишида фаол қатнашиб келмоқда. Шу боис, Марказий Осиё давлатлари орасида илк бор юртимизда конвенция иштирокчилари конференциясининг йиғилиши ўтказилмоқда. Бундан аввалги 13-йиғилиш пандемиядан олдин Ҳиндистонда ташкил этилган. Утган давр мобайнида йиғилиб қолган кўплаб масалаларга иштирокчилар бу йил

Самарқандда ечим топишга, муҳим мавзулар юзасидан юзма-юз фикр алмашишга аҳд қилган.

“Табиат чегара билмайди” шiori остида ўтказилаётган йиғилишда халқаро ташкилотлар вакиллари, 130 мамлакатдан 1800 дан ортиқ иштирокчи қатнашмоқда.

Дастлаб Президент Шавкат Мирзиёевнинг форум қатнашчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазiri Абдулла Арипов ўқиб эшиттирди.

Давоми 2-бетда

ЭКОЛОГИЯ:

“ТАБИЙ МУҲИТНИ АСЛ ҲОЛИГА
КЕЛТИРИШ” УЧУН ТАЪСИРЧАН
ЧОРА ҚЎЛЛАШ ЗАРУР“ЖКнинг “Экология соҳасидаги
жиноятлар”га бағишланган бобидаги 11 та
моддатдан фақат 3 таси “ишлаб турибди”,
7 таси “қотиб қолган”, ишламаёпти.

5

Буюк ўзбек йўли

ТАДБИРКОР МАЪНАВИЯТИ

янги давр талабларига жавоб беряптими?

(Биринчи мақола)



Кийём НАЗАРОВ, фалсафа фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

ҚУЛАЙ БИЗНЕС МУҲИТИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракати кенг йўл очилиб, мулкчилик муносабатлари ўзгарди, тадбиркорлар ва мулкдорлар қатлами шакллана бошлади. Ўтган ўн йилликларда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партияси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва “Тадбиркор аёл” уюшмаси каби ташкилотларнинг пайдо бўлгани ана шу серқирра жараённинг натижасидир.

Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги янги даврини бошлаб берган кейинги йилларда тадбиркорлик ва мулкдорлик билан боғлиқ масалаларга янада катта эътибор берилмоқда ва бу бежиз эмас. Негаки, жаҳон халқлари ва замонавий илгор мамлакатлар иқтисодиётининг натижаларини, ҳаракатчанлиги, динамикалигини таъминлаш ҳамда ривожлантиришда тадбиркорларнинг ўзига хос ўрни борлиги аллақачон исботланган. У бугунги тараққий этган мамлакатлар ҳаётининг асосий элементларидан ва бизнинг юртимиз иқтисодиёти учун ҳам энг муҳим омиллардан бири сифатида ўз самардорлигини кўрсатмоқда.

Ишбилармон доиралар вакиллари бўлган тадбиркорлик ва мулкдорлик субъектлари учун 2023 йил алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Хусусан, ўтган йилнинг 18 август куни Ўзбекистон тарихида учинчи марта Президентимизнинг тадбиркорлар билан очик мулоқоти бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирда белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очик мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди ва ушбу ҳужжат билан 42 та банддан иборат “Йўл харитаси” тасдиқланди. Унда тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича 57 та ташаббус илгари сурилган. Қарор билан 5 та йўналиш бўйича тасдиқланган “Йўл харитаси”га асосан 11 та қонун, Президентимиз-

етди, йирик корхоналар сони эса бир йилда 400 тага кўпайиб, 1,5 минг бўлди. Бу кўрсаткич Тошкент вилоятида 38 минг 876 тага, Самарқанд вилоятида 37 минг 680 тага, Фарғона вилоятида 36 минг 359 тага етди. Тадбиркорлик субъектларининг сони ҳар 1000 аҳолига 14,1 тани ташкил этапти. Бу кўрсаткич Самарқанд вилоятида 11,8 та, Тошкент вилоятида 15,2 та, Фарғонада 11,9 та. 2023 йилнинг январь-сентябрь ойларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик тадбиркорликнинг улуши 25,9 фоизни ташкил қилди.

Буларнинг барчаси ушбу соҳага алоҳида эътибор қаратилаётгани, ислохотлар аниқ-тиниқ амалга оширилаётгани билан изоҳланади. Бунда куйидаги йўналишлар низоҳатда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Биринчидан, бизнес субъектлари микро, кичик, ўрта ва йирик тоифаларга бўлинди ва уларнинг ҳар бири билан алоҳида ёндашувлар асосида ишлаш тизими йўлга қўйилди. Шунингдек, туман ва шаҳарлар ҳам 5 тоифага ажратилди, 60 туманга алоҳида солиқ, кредит ва молиявий ёрдам режимлари жорий қилинди. Натижада бу туманлардаги тадбиркорлар қарийб 1 триллион сўмлик имтиёзлардан фойдаланди. Бунинг ҳисобидан 20 тумандаги тадбиркорларнинг даромади 1,5-2 баробар ошди.

Иккинчидан, қўшилган қиймат солигини қайтариш мuddати қисқартирилиб, 2022 йил 1 августдан 2023 йил 1 августгача 6 мингта корхонага 20 триллион сўм қайтариб берилди. Айниқса, экспортчи қўшилган қиймат солиқдан қўшилган қиймат солигини инвентизм экспортчи корхоналарга қайтариб бериш тартиби жорий қилингани натижа-сида 2 миңдан зиёд тадбиркорнинг ҳисоб-рақамига 7 триллион сўм келиб тушди. Энг муҳими, ушбу солиқ ставкасининг 12 фоизга туширилгани ҳисобидан қўшилган қиймат занкири иштирокчилари сони 26 мингта кўпайиб, уларнинг солиғи “соьдан” чиқди. Қўшилган қиймат солиғи тўловчилар сони 184 мингта етди. Самарасиз солиқ механизмларини қўллаш оқибатида вужудга келган солиқ қардорлигидан воз кечилгани ҳисобидан бизнес ихтиёрида 2 триллион сўм қолди.

Учинчидан, кредит беришда айланмадаги товарлар, экспорт шартномалари, аккредитивлар ва келгуси тушумлардан ҳам гаров таъминоти сифатида фойдаланиш тизими яратилди. Бу имкониятдан фойдаланган тадбиркорларга 1 миллиард доллар кредитлар берилди. Шунингдек, микроолия ташкилотларини очиб тартиби осонлашди. Натижада мамлакатимизда банкларга муқобил кредитлар бозори пайдо бўлди. Сўнгги бир йилда бундай ташкилотлар сони 1,5 баробар, улар ажратган кредит миқдори эса 3 баробар ошди. Бир йилда нобанк ташкилотлар 3 триллион сўм кредит берди.

Божхона ҳудудида қайта ишлаш тизими соддалаштирилди ва ушбу режимдан фойдаланувчи тадбиркорлар сони 2 баробар кўпайди. Мисол учун, бир йил ичида шу имконият орқали 455 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди ва 110 миллион долларлик қўшилган қиймат яратилди.

Тўртинчидан, илгари янги тадбиркорлар учун “қириш қийин бўлган” 119 та фаолият бўйича лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди ёки хабардор қилиш шаклига ўтказилди. Мамлакатимиз ҳудудида юкларни ав-

104 мингтадан 64 мингтага камайдган. Яъни тадбиркорлар тўғри ишлаш “соьда” ишлашдан кўра афзал эканини тушуниб етмоқда. Шунинг учун ҳам солиқ ҳисоботларини топшириш ва камерал текшириш натижалари бўйича молиявий жарималар қўллаш бекор қилинди. Берилган енгилликлардан фойдаланган 155 корхонанинг йиллик айланмаси 100 миллион доллардан ошди. Қиритилган йиллик хорижий сармолав ҳажми эса илк бор 10 миллиард долларга етди. Бу 2017 йилга нисбатан 3 баробар кўп.

Бўлиб ўтган очик мулоқотлардан кейин сўнгги икки йилда корхоналар томонидан 25 миллиард долларлик маҳсулотлар экспорт қилинди ва аввал импорт қилинган 10 миллиард долларлик маҳсулотни ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бугунги кунда ана шундай натижаларга эришаётган, ишлаб чиқариш, сервис ва хўжалик юртишнинг бошқа соҳаларида ташаббус кўрсатаётган, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган фаол тадбиркорлар авлодини тарбиялаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, импорт ўрнини босувчи ва экспортчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган илгор тадбиркорларнинг фаолияти ҳам жамият ривожини муҳим омил ҳисобланади.

Айтиб ўтиш жоизки, худудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланишини рағбатлантирувчи бизнес муҳитини яратиш, мамлакат иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамияти, тадбиркорларнинг касбий маҳорати ва билим даражасини ошириш учун зарур шарт-шароит яратиш алоҳида эътиборни талаб қилмоқда.

Тадбиркорлар фаолиятидаги илгор тажрибаларни оммалаштириш, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни рекла-



ма қилиш ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларига қўмаклашиш, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ва ўз тенгдошларига ўрнак бўлаётган ёш тадбиркорларни рағбатлантириш бу борадаги асосий вазифалар сирасига киради.

Ушбу масаланинг долзарблиги ишбилармонлар ва мулкдорларнинг маънавий қиёфасини янги кун талаблари даражасида шакллантириш зарурати билан боғлиқ, албатта. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил — Бизнес-омбудсман, ЎзЛиДеП, Савдо-саноат палатаси ва “Тадбиркор аёл” уюшмаси каби ташкилотларнинг фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда.

Масалан, биргина ЎзЛиДеП тизимида “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши бўйича белгиланган вазифалар доирасида “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш” йўналишидаги 38-44 максаллар бўйича амалга оширилган ишлар таҳлили ҳам бу борадаги фаолият низоҳатда муҳим паллага кирганидан далолат беради. Унга кўра, 2023 йилнинг сўнгги чораги давомида мамлакат миқёсида 120 дан ортик тадбир, танлов, давра суҳбати, китоблар тақдими, маънавият кунлари, музей, маданият ва санъат марказлари, муқаддас қадимжоларга ташрифлар ташкил этилди.

Бугунги амалиёт, бир томондан, мамлакатимизда тадбиркорлар сони ва фаолиятининг самараси ортиб ва қамрови тобора кенгайиб бораётгани, иккинчидан, ушбу соҳага эътибор кучайиб, давлат томонидан янада кенг имкониятлар яратилаётганидан далолатдир.

Бу айна пайтда сафарига муттасил равишда янги авлод вакиллари кириб келаётган



тадбиркорлар қатламининг маънавий қиёфасида ижобий хислатлар ва эзгуликка хизмат қиладиган хусусиятларни тизимли тарбиялаб бориши заруратга айланмоқда.

ИШБИЛАРМОНЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Инсон ўз маънавиятини шахс сифатида ўзини англаган ва қамолга етган йилларидан бошлаб умрининг охиригача шакллантириб, ривожлантириш боради. Кейинги йилларда юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва янги тадбиркорлар авлодини шакллантиришда ана шу жиҳатга алоҳида аҳамият қаратилаётгани бежиз эмас.

Шу билан бирга, тадбиркорларнинг мустақил фикрлаш, мустақил қарор қабул қилиш ва масъулиятни ўз зиммасига олиш каби хислатларини ҳам тарбиялаш лозим. Бунинг учун куйидагиларга алоҳида аҳамият қаратиш зарур:

— ҳар бир тадбиркор ҳаётида турли вазиятларга тушиб қолганида унинг ҳаёт мубайнида тўлған тажрибаси, инсоний фазилатлари етакчи роль ўйнайди;

— тадбиркорларда муаммолар, воқеа-ҳодисаларни реал макон ва вақт чегараларида аниқ тасаввур қилиш ва ечимларини белгилай олишни ривожлантиришга диққатни қаратиш улкан ютуқлар омили бўлиши мумкин;

— тадбиркорлар фаолиятида бир вақтнинг ўзида бир қанча муаммолар моҳиятини англаш орқали тафаккурни янги муаммолар ечимига йўналтириш ҳам фойдалан холи эмас. Буларнинг барчаси ҳар бир тадбиркорнинг ўзини ўзи бошқариш, ўз фаолиятини аниқ ва тўғри ташкил қилиш қобилияти, ҳар қандай ишга шахсан кириши билан унинг бажарилишини назорат қилиш каби шахсий хусусиятларини шакллантиришга асосий эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эгаллидан далолат беради.

Айни пайтда бу соҳада олимлар ва мутахассисларнинг диққатини тортаётган ва дунёнинг қарийб барча мамлакатларига хос бир қатор муаммолар, яъни мулкдорлик ва тадбиркорлик субъектларининг барқарор фаолиятини таъминлаш сиёсати самарали йўлга қўйилиши, тижорат фаолияти билан шугullanувчилар ўртасида монополистик тенденциялар юзага келиш ҳолатларига барҳам бериш, бу соҳада адолатсиз рақобатнинг олдини олиш ва коррупция ҳолатларини барқарор этиш қабили билан боғлиқ масалалар долзарб аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

Бу жиҳатдан, давлат органлари ва фуқаролик институтлари, ижтимоий субъектлар ва ташкилотлар фаолиятида амал қилиш зарур бўлган ва бугунги тадбиркорнинг миллий қадриятларга асосланган замонавий дунёқараши ва маънавий қиёфаси шаклланишига катта таъсир кўрсатадиган куйидаги омиллар муҳим аҳамият касб этишини алоҳида қайд қилиш лозим:

— тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини самарали ва тизимли олиб бориш тамойилларига оғишмай амал қилиш;

— давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш, тадбиркорларга бу борада аниқ ва тизимли ёрдам бериш механизмни йўлга қўйиш;

— тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш амалга оширилаётганда уларни ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш. Бундай текширувларни мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолияти текширувлари ўтказилишининг қонунийлигига қатъий амал қилиш;

— тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда рўбга чиқарилишини таъминлаш. Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолиятини бажаришга таъсирли самарадорлигини таъминлашга қўмаклашиш;

— тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий қафолатларини мустаҳкамлаш, уларни ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш юзасидан самарали фаолиятни йўлга қўйиш. Ушбу жарағна тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг вакиллари кенг жалб этилишига эришиш.

Шу билан бирга, ҳар бир тадбиркор ўз манфаатларини рўёбга чиқариш жараёнида нафақат моддий неъматлар, балки маънавий бойликлар, ташкилий-бошқарув тузилмалари, жамиятда мавжуд турли муносабатларни, яъни бутун ижтимоий-маънавий ҳаётни ҳам яратди. Бу жараёнда тадбиркорлик соҳасида аждоқларимиздан мерос бўлиб келаётган маънавий мезонлар ва қадриятларнинг кўпига янги мазмун бағишлаб, баъзиларини қайта тиклашдан қўзланган мақсад ўтмишга ситғиниш эмас, балки маънавиятнинг миллий-этниқ асосларига суяниб, ундан фойдаланиб олға силжиш, тараққиётнинг янги босқичига чиқидан иборатдир. Бугунги тадбиркорларимиз маънавиятга умиминсоний ва миллий қадриятларни ўзлаштириш, халқнинг маънавий таърибаси ва аънаваларини билиб олиш ҳамда тадрижий давом эттириш, ривожлантириш нуқтан назаридан ёндашиш зарурлиги давр талабига айланди.

Глобаллашув жараёнида мафқуравий кураш ўзининг юқори нуқтасига чиқаётган бугунги кунда турли маънавий таъсирлар, аввало, тадбиркорларнинг онгини заҳарлаш ва улардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш оқибатлари бизга шуни ана бир бор исботламоқдаки, мана шу қатлам орасида говий тарбия ва тарғиботи кенг кўламда ёйиш, унинг моҳиятини очиб беришга хизмат қиладиган турли маърифий тадбирлар, таълим тизими ва хилма-хил тарғибот технологияларидан фойдаланиш кутилган натижаларни бериши мумкин.

Буларнинг барчаси бугунги кунда юртимизда Уччинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек эзгу мақсадни изчил амалга оширишга қаратилган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида тадбиркорлар маънавий қиёфасини юксалтириш учун тизимли фаолият олиб бориш ҳозирги давр талаби ва тақозоси, уни тақомиллаштириш омиллари ва тамойилларини белгилайдиган фаолият мезонига айланаётганидан далолат беради.

Президентимизнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгаши йиғилишидаги маърузаси эса ана шу йўналишдаги фаолиятнинг жорий йилдаги долзарб вазифалари аниқ-тиниқ белгиланган бўлиши ҳамда сифатда хозирги кунлардаги ишларимизнинг самарали амалга ошишини таъминлаш мезони тарзида низоҳатда катта назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Айни пайтда мазкур йўналишдаги дастурлар ва чора-тадбирларнинг мазмун-мунодарижасини тубдан яхшилаш, ушбу соҳанинг мақсади ва моҳиятини белгилайдиган тизимли ишлар билан боғлиқ фаолият самарадорлигини таъминлаш алоҳида эътиборни талаб қилмоқда.

Шу билан бирга, бирор-бир қатлам ёки соҳа вакилларига хос маънавий тамойиллари тўла-тўқис шаклланиши ва уларнинг етук, тақомиллашган ҳолатга келиши учун кўп йиллар, баъзида бир неча ўн йил керак бўлиши ҳам маълум. Ўтган асрда қарийб 70 йил давомида инкор қилиб келинган ва истисқол йилларида қайта буй кўрсата бошлаган тадбиркорлик ҳаракати ва унинг вакилларида хос маънавий мезонлар ҳамда тамойиллар шаклланиши ҳам ана шундай тадрижий жараёндир.

Ушбу жараённинг самарали амалга ошириш учун жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий-маънавий ҳаётида туб ўзгаришлар рўй бериши ва мазкур янгиланишлар тадбиркорлар қалиби ва онгига сингиши ҳамда мустаҳкамланиши даркор. Ўз навбатида, бу тараққиётнинг янги босқичига ўтган Ўзбекистон жамиятида “тадбиркор маънавияти” тушунчасининг вужудга келиши ва мустаҳкамланиши жараёнини белгилайдиган таъин омиллар тизими янгиланишини тақозо қилади.



нинг 1 та фармони, 15 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 10 та қарори, 10 та амалий чора-тадбир, 3 та чора-тадбир режаси ҳамда 1 та Шаҳарсозлик нормалари ва қондалари қабул қилиниши белгиланди.

Утган бир йилда кичик тадбиркорлар сони 40 мингта кўпайиб, 490 мингта, ўрта тадбиркорлар сони 2 мингта ошиб, 10 мингта

томобилда ташин фаолияти бўйича лицензияларни бекор қилиш ҳисобидан юк ташин ҳажми 1,5 баробар ошди.

Бешинчидан, тўғри ишлайдиган солиқ тўловчилар фаолиятида текширишлар кескин қисқаргани муҳим омил бўлди. Хусусан, 2023 йилнинг олти ойида текширишлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 40 фоиз ёки



Ўзбекистон ва халқаро майдон

САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКДАН ИККИ ТОМОН ҲАМ МАНФААТДОР



— Бу Ўзбекистон ва Беларусь тўқимачилик корхоналари ўртасидаги ҳамкорликнинг янги истиқболлари ва самарасидан далолат беради, — дейди “Ўзтўқимачилик сананоат” уюшмаси раисининг ахборот сибсати масалалари бўйича маслаҳатчиси Шаҳзода Қўчқорова. — Форум икки мам-

Беларусь Республикасида тўқимачилик сананоатини ривожлантириш учун мақбул шарт-шароитларни яратиш, кадрлар алмашинуви, кадрлар тайёрлаш ва соҳа ходимларининг муносиб меҳнат шароитларини таъминлаш соҳасида ҳам яқин ҳамкорликни назарда тутди.

сиди қиймати 200 минг долларлик уч томонлама шартнома ҳамда лойиҳани амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” имзоланди.

Голубика нихоятда қimmatли резавор бўлиб, дунё бозорига унга талаб юқори. Шу боис, уни юртимиз шароитида етиштиришни кўпайтириш иқтисодий наф келтиради. Аммо унинг дийрими қилимга бардошли кўчатларини топишда муаммолар бор экан. Мутахассисларнинг айтишича, мўътадил иқлимда худудлардан келтирилган голубика кўчатларини ёзинг жазирамасидан асрашнинг имкони бўлса-да, қишининг совуқлигига бардош бермаслиги кузатишмоқда. Беларусь давлатидан олиб келинган голубика кўчатлари эса совуқ ҳароратда олиб борилган синовдан муваффақиятли ўтган. Эндиликда “Ягодка” фермер хўжалигидан юртимиз иқлимига мос келадиган “Легаси”, “Блокрон”, “Сиера”, “Чандлер”, “Дюке” каби истиқболли навлар олиб келинади. Кўчатларни экиш жорий йилнинг март ойидан бошланади ва унга беларуслик мутахассислар ҳам жалб этилади. Ажратилган 10 гектарлик ер майдонининг 9 гектарида плантация ташкил этилиб, голубика мевалари етиштирилса, қолган қисмида ўсимлик кўчатлари тайёрланади.

Беларусь давлати картошкачилик йўналишида ҳам катта тажрибага эга. Бу тажрибани нафақат ўрганиш, балки ҳамкорликда янги лойиҳаларни амалга ошириш кутилган самарани беради. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти ҳамда Беларусь Миллий Фанлар академияси мева-сабзавотчилик ва картошкачилик илмий маркази ўртасидаги ҳамкорликнинг бир қисми шу йўналиш билан боғлиқ. Икки томон картошка селекциясини ташкил этиш, “ин-витро” усулида янги навларни яратиш ва картошка уруғчилигининг илгор технологияларини тадқиқ қилиш, замонавий усуллар асосида картошка етиштириш, халқаро қўшма лойиҳалар доирасида тадқиқотлар ўтказиш каби масалаларда келишиб олди.

Ҳамкорликда юртимиздаги маҳаллий агроқийматли шартнома мос картошка навларининг экологик синновлари ўтказилади, — дейди Феруза Хўжаева. — Беларусь селекциясига мансуб 5 та элита ва суперэлита картошка навлари олиб келиниб, давлат реестрига киритилади. Шунингдек, картошканинг “Лилея”, “Палац”, “Юлия”, “Манифест” ва “Скраб” навларидан 4 тоннадан, жами 20 тонна юқори авлодди уруғлик келтирилади. Уларни Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг Андижон, Самарқанд ва Тошкент вилояти станцияларига экиш режалаштирилган. Ушбу уруғликларнинг афзаллиги шундаки, улар четдан олиб келинадиган бошқа уруғларга нисбатан 30 фоиз арзон бўлиш билан бирга, ҳосилдорлиги 5-10 фоиз юқори. Бу навлар 100-110 кунда пишида ҳамда гектаридан 25-30 тонна ҳосил олинади.

Бундан ташқари, Беларусь томони билан зигиринги янги навларини, шунингдек, парранда гўшти, бройлер товуқларини етиштириш ва қайта ишлаш, Самарқанд вилоятида сутни қайта ишлаш корхонасини ташкил этиш бўйича ҳам келишувларга эришилди.

ЭКСПОРТДАГИ ИШОНЧЛИ ШЕРИК

Ушбу ҳамкорликларнинг бари бевосита қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиш-



лакат ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ва Ўзро манфаати ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Унда маҳаллий корхоналаримиз билан бирга, Беларусь давлатининг тўқимачилик сананоатида кўзга кўринган “Моготекс”, “Полесье”, “Свитанак”, “Камволь” ва бошқа йирик компаниялари иштирок этиб, ўз маҳсулотларини намойиш этди, фаол музокараларга киришди. Аксарияти келгусида ҳамкорлик қилишга тайёр эканини билдирди. Ушбу давлатга юртимиздан тўқимачилик маҳсулотлари экспорти ошиб бормоқда, 2022 йилда бу кўрсаткич 105 фоизга ўсди. 2023 йил натижаларига кўра, Беларусьга экспорт ҳажми 50 миллион долларни ташкил қилди. Айни пайтда Беларусь инвестициялари иштирокида “Mark Fomelle” бренди остида тайёр кийим-кечак ишлаб чиқарувчи корхона фаолият кўрсатмоқда.

Шунингдек, учрашувлар давомида “Беллепром” концерни билан 2024-2025 йилларга йўлланган ҳамкорлик бўйича қўшма “Йўл харитаси” тўғрисида битим имзоланди. Ушбу келишув шартномаси Ўзбекистон ва

ГОЛУБИКА ЕТИШТИРИШ БЎЙИЧА ИЛМИЙ МАКТАБ ЯРАТИЛАДИ

Озиқ-овқат хавфсизлиги, аҳолининг арзон ва сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтижини қондириш масаласи тобора долзарб бўлиб бораётган бугунги даврда ушбу йўналишдаги кўп томонлама ҳамкорликнинг аҳамияти янада ортади. Ўзбекистон ва Беларусь ўртасида аввалроқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси, фан ва аграр таълим соҳасида ҳамкорлик ўрнатилган, чорвачилик, ветеринария, ўсимликлар селекцияси соҳаларида алоқалар йўлга қўйилган. Бу борада қатор қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Аммо ҳозир ҳеч бир соҳа бир жойда қотиб турмапти. Айниқса, қишлоқ хўжалиги илм-фан, инновацияларнинг жорий этилиши тармоқни тубдан янгиллаш баробарида, кўпроқ лойиҳаларни амалга ошириш, илмий тадқиқотларни олиб бериш, худудларда турли хилдаги озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш имкониятларини очмоқда. Шу мақсадда форум доирасида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Беларусь Республикаси Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат сананоати вазирлиги ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Биргаликда бир қанча янги лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олинди. Юртимиз худудида дунё бозоридан энг қimmat резавор — голубика етиштириш бўйича илмий асосланган тажриба майдонини яратиш лойиҳаси шулар жумласидан.

— Бу борада Беларусьнинг резавор мевалар етиштириш бўйича жаҳонга машҳур “Ягодка” фермер хўжалиги билан ҳамкорлик қиламиз, — дейди Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Халқаро ҳамкорлик бўлими раиси Фаридуллоҳ Шайхиддинов. — Ўзбекистонда бўлган ҳаётда дунё бозоридан энг қimmat резавор — голубика етиштириш бўйича илмий асосланган тажриба майдонини яратиш лойиҳаси шулар жумласидан.

— Бу борада Беларусьнинг резавор мевалар етиштириш бўйича жаҳонга машҳур “Ягодка” фермер хўжалиги билан ҳамкорлик қиламиз, — дейди Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Халқаро ҳамкорлик бўлими раиси Фаридуллоҳ Шайхиддинов. — Ўзбекистонда бўлган ҳаётда дунё бозоридан энг қimmat резавор — голубика етиштириш бўйича илмий асосланган тажриба майдонини яратиш лойиҳаси шулар жумласидан.

Тўқимачилик МАХСУЛОТЛАРИМИЗ 60 ДАН ОРТИҚ ДАВЛАТГА КИРИБ БОРДИ

Юртимизда йирик форумлар, бизнес учрашув ва халқаро кўргазмаларни мунтазам ўтказиш яхши анъананага айланди. Бундай тадбирлар маҳаллий тадбиркорларимизнинг янги ҳамкорлар топиши, лойиҳалар, шартномалар имзолаши, инвестицияларни жалб этишга кенг йўл очмоқда.

Ташриф доирасида ўтказилган Ўзбекистон ва Беларусь худудлари иккинчи форуми ҳам самарали келишувлар, йирик рақамлардаги натижаларга бой бўлди. Форум якуни бўйича қиймати 1 миллиард доллардан зиёд шартнома ва битимлар имзолангани бунинг исботи.

Беларусликлар барча соҳалар, айниқса, тўқимачилик сананотига катта қизиқиш билдирди. Гап шундаки, мамлакатимиз иқтисодиётининг энг муҳим тармоқларидан бирига айланган тўқимачилик сананоати жаҳон бозорига фаол кириб бориб, миллий бренд сифатида муносиб ўрин эгалламоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида Ўзбекистон 65 та давлатга қиймати 3,4 миллиард долларлик тўқимачилик маҳсулотлари экспорт қилди. Бу кўрсаткич юртимиз умумий экспортнинг 12,5 фоизини ташкил этган. Экспорт қилинган тўқимачилик маҳсулотлари таркибидан тайёр товарлар (41,6 фоиз) ҳамда ип-калава (39,2 фоиз) асосий улушни эгаллади.

Хорижий харидорлар орасида Беларусь ҳам бор. Улар бизнинг маҳсулотлар сифатини яхши билади ва ишончимизни қозона олган ҳамкорларимиздан бири. Шунинг учун ҳам форум доирасидаги икки томонлама музокаралар давомида тўқимачилик йўналишида қиймати 7,6 миллион долларлик экспорт шартномалари тузилди.



Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Мамлакатларни Ўзаро боғлайдиган, дўстлик ришталарини мустаҳкамлайдиган жиҳатлар кўп. Аммо уларнинг орасида барибир савдо-иқтисодий алоқалар етакчилик қилади. Чунки бу давлатларнинг миллий иқтисодиёти, барча соҳалардаги ривожланиши, халқ фаровонлигини таъминловчи муҳим омиллардан биридир. Айни пайтда кўп томонлама савдо муносабатлари дунё иқтисодий ўсишида ҳам катта таъсирга эга.

Шу боис, бугун Ўзбекистон ҳамкорлик истагидаги барча давлатларга эшикларини кенг очиб, жаҳон майдонида ўз ўрнини мустаҳкамлаб бормоқда. Кўплаб мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларимиз мутлақо янги босқичга кўтарилди. Буни кейинги йиллардаги рақамлар, аниқ маълумотлар ҳам кўрсатиб турибди.

Ана шундай яқин ҳамкорларимиздан бири Беларусь Республикаси. Ўзбекистоннинг ушбу давлат билан кўп қиррали муносабатлари, айниқса, охириги йилларда анча ривожланди. Ўтган ҳафта Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг мамлакатимизга расмий ташрифи чоғида ҳам ушбу жиҳат алоҳида тилга олинди. Хусусан, кейинги йилларда қўшма корхоналаримиз сони 4 баробарга кўпайиб, ўтган йил якунига кўра, икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 15 фоизга ошгани таъкидланди. Яқин йилларда ушбу кўрсаткични 1 миллиард доллардан зиёдагача етакчи белгиланиб, бу борада ҳукуматлар олдига аниқ вазифалар қўйилди. Гап шундаки, Беларусь билан ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсад қилинган, бундан икки томон ҳам бирдек манфаатдор. Олий даражадаги ташриф доирасида имзоланган янги келишувлар эса бунга кенг йўл очади.



Янгида ёндашувлар

Сув таннархи 40 ФОИЗГАЧА камайди

Ниманинг эвазига?

“Талимаржон” сув омбори Загира магистрал канали этагида барпо этилган. Ундаги сув қудратли электр насослари орқали 26,6 метр баландиқкача кўтарилиб, Қарши чўли ерларини обиҳаёт билан таъминлаш баробарида, Талимаржон шахри аҳолисининг ҳам ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қоплаб беради.

уларни ёриб юборарди. Оқибатда шахар аҳолисини сув билан таъминлашда 10-15 кун, айрим ҳолларда ҳатто бир ойгача узлишлар рўй бериб турган.

Президентимизнинг 2020 йил 12-13 ноябрь кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида берилган топшириққа биноан, 2021 йилда Нишон, Қарши, Касби, Миришкор туманлари аҳолисининг ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида Нишон туманида 2 та, Қарши туманидаги Бешкент насос станциясини реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди. Улар асосида сув таъминотидаги носозликларга барҳам бериш учун Самарқанддаги “Аква-технолог” масъулияти чекланган жамияти томонидан “Талимаржон” сув омборидан сув олувчи насос станциясини реконструкция қилиш лойиҳаси ишлаб чиқирилиб, амалга оширишга киришилди. 2023 йил март ойида таъмирлаш ниятига етказилди.

Бунга қандай эришилди? Мутахассислар фикрича, ҳаёт жараёнида илмий асосланган, фан-техниканинг сўнгги ютуқларига таяниб тайёрланган лойиҳа муҳим ўрин

тутган ва иқтисодий жиҳатдан тежамкор тизим яратишга муваффақ бўлинган. Яъни илгари катта қувватли насослар орқали икки босқичли сув кўтариш тизимидан фойдаланишнинг ўта самарасизлиги, магистрал қувурларда тез-тез юз берадиган носозликлар таъсири илмий ва амалий жиҳатдан исботлаб берилди. Бундан ташқари, биринчи сув кўтариш насос станциясидаги 630 киловаттлик насос катта маблағ ва электр энергиясини беҳуда сарфлашга олиб келадиганини кўрсатди.

Шу боис, янги лойиҳада мазкур насослардан фойдаланишдан ва икки босқичли сув кўтариш тизимидан воз кечилди. Улар ўрнига “Талимаржон” сув омборидаги иншоотда сув ичида турадиган, 22 киловатт қувватли насос ўрнатилиши билан исботлаб берилди. Бундан ташқари, биринчи сув кўтариш насос станциясидаги 630 киловаттлик насос катта маблағ ва электр энергиясини беҳуда сарфлашга олиб келадиганини кўрсатди.

— Аслида, реконструкция ишларини юқори қувватли насосларга алмаштириш билан чекланиш ҳам мумкин эди. Бироқ орадан кўп ўтмай, яна эски аҳвол такрорланар, “эски ҳаммом, эски тос” қабилидаги ҳолат

юзага келарди, — дейди “Қашқадарё сув таъминоти” МЧЖ гидравлика бўлими бошлиғи Эшдавлат Алиқуллов. — Янги самарали технологиялар кўлланилиши тўғрисида кўп қиррали таъминот ҳисобига олиниб, уларда содир бўладиган носозликлар олди олинди. Пиловарида қарийб бир йилдан буён шахар аҳолисининг ичимлик сувига бўлган эҳтиёжи узлуksиз таъминланмоқда.

Унинг яна бир иқтисодий афзаллиги шундаки, бир йилда 770 минг 600 киловатт-соат электр энергияси тежасиз равишда ва натижада сув таннархи 30-40 фоизга камайди. Шу билан бирга, станциянинг уч гектарга яқин еридан бошқа мақсадларда фойдаланиш имконияти вужудга келди.

Бўйлиҳа “хамирдан қил суғургандек” осон битмаганини ҳам яхши биламиз. Чунки айрим юқори идоралар вакиллари томонидан ўтган асрнинг 70-80-йилларидаги эски технологияларни қўллаш бўйича кўп уринишлар бўлди. Агар шундай иш тутилганда, миллионлаб сарф қилинган маблағлар эвазига бугунги кун талабига мутлақо жавоб берайдиган, ўта самарасиз тизим яна қайтадан яратиларди.

Лойиҳа муаллифларидан бири — Акмал Соатовнинг эътирофи айтишича, унинг муқобили нафақат Ўзбекистонда, балки МДХ мамлакатларида ҳам ҳозирча мавжуд эмас.

Бу таъминоти юртимиздаги ана шундай сув узатиш тизимларида қўллаш жуда катта самара беради.

Бундай сув таъминоти тизими худудлар учун жуда қулай, айниқса, насосларни қишда совуқдан, ёзда иссиқдан асраш бўйича муаммо бўлмайди. Шунингдек, у инсон омилисиз бошқарилиши, ишлаш кафолати юқорилиги билан ҳам ажралиб туради. Хозиргача Қашқадарё вилоятида турта насос станциясини реконструкция қилиш ва учта янгисини қуришда ушбу технология қўлланилди.

Президентимиз ўтган йил 23 октябрда худудларда ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини яхшилаш, озиқ-овқат экинларини экиш масалалари бўйича ўтказган йиғилишида бу соҳада эскирган насосларни энергия тежамкорига алмаштириш зарурлигини айтганди. Шунингдек, йиғилишда сув бўйича лойиҳалар қиймати қайта қўриб чиқиш, уларда ишлатилган материалларни маҳаллийлаштириш имкониятларни кўрсатиб ўтилганди. Соҳадаги янги лойиҳалар эса ана шундай масалаларни ҳал этиши билан аҳамиятлидир.

Мулоҳаза

ЭКОЛОГИЯ:

“ТАБИИЙ МУҲИТНИ АСЛ ҲОЛИГА КЕЛТИРИШ” УЧУН ТАЪСИРЧАН ЧОРА ҚЎЛЛАШ ЗАРУР

Экологик хавф тобора кенг тус олиб, дунё аҳлини, жумладан, Ўзбекистонликларни ҳам бу ҳақида чуқурроқ ўйлашга мажбур қилмоқда. Мамлакатимизда аҳоли сонининг ўсиши, фан ва техника тараққиёти, инсон эҳтиёжларининг ортиши қатор экологик муаммоларни келтириб чиқарди.



Комил СИНДАРОВ, юридик фанлар доктори, профессор

Тошкент ҳаво ифлосланганлик даражаси бўйича, афсуски, дунёда олдинги ўринлардаги шаҳарлардан бирига айланган қолди. Зудлик билан зарур чоралар қўрилмаса, яқин орада мамлакатимизнинг бошқа шаҳарлари ҳам шу ҳавога тушиб қолиши мумкин. Бу ҳолат Ўзбекистон иқтисодиёти, хусусан, туризм салоҳиятига салбий таъсир кўрсатиши аниқ. Зеро, сайёҳлар асосан суви, ҳавоси тоза мамлакатларга боришни хоҳлайди.

Экология вазирлиги берган баёнотта таъниб айтадиган бўлсак, юртимизда экологик вазият бундай аҳволга келишига қуйидагилар сабаб бўлмоқда. Аввало, мамлакатимиз, хусусан, Тошкент шаҳрида яшил ҳудудлар камаяган. Жумладан, дарахт ва буталарнинг кесилишига эълон қилинган мораторий даврида 49 мингга яқин дарахт ноқонуний кесилган.

Иккинчидан, шаҳарнинг бош режаси тасдиқланмасдан, қурилиш ишлари бетартиб, аксарият ҳолларда экологик талабларга ҳилоф равишда амалга оширилмоқда.

Учинчидан, автотранспорт воситалари сони ортиб борапти. Хусусан, мамлакат бўйича автомобиллар сони 2021 йилда 3,14 миллионга бўлган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 4,6 миллионга етди. Энг ачинарлиси, автомобилларнинг катта қисми халқаро стандартларга жавоб бермайдиган АИ-80 маркали бензинда ҳаракатланмоқда. Бу эса атмосферага меъёрдан ортиқ зарarli газлар чиқишига сабаб бўляпти. Шунингдек, саноат объектлари, иситиш тизимида мазут ва кўмирдан фойдаланиш ортиб бораётгани ҳам экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Бизнингча, пойтахт ҳавосининг ифлосланишида сув ҳавзаларидан норуда материаллар — кум, шағал, тош қазиб олишнинг ортиши ҳам жиддий салбий таъсир кўрсатяпти. Шаҳар атрофида кечаю кундуз ишлаб турган юзлаб цехлардан чиқаятган кукун устимизга кунундай бостириб келмоқда. Яқинда Бўстонлик тарафга йўлим тушиб қолди. Шаҳардан чиқиб, “Янги Ўзбекистон” боғига етгач, осмон тиникдек кўринди. Бир оз юргач, йўлнинг чап томони — Чирчиқ дарёси ҳавоси тарафдан буруқсиган тутун кўзга ташланди. Аввалига бирор жойда ёнғин чиққан бўлса керак, деган хаёлга бордим. Ҳамроҳимдан “Бу нима, ёнғинми?” деб сўрадим. У бу жойларни яхши билар экан, қуйидагича изоҳ берди: “Бу ёнғин эмас, тош майдайидиган цех, шу атрофдаги 4-5 та йирик цех 24 соат режимда ишлайди. Тутуни тоғ тарафдан эсаятган шамол туфайли пойтахтга қараб ҳаракатланади”.

Этибор бериб қарасам, чиндан ҳам дарё тарафдан чиқаятган кўкун чаг тутуни тўғри шаҳар томонга сузиб кетаётган эди...

Яқинда Президентимизнинг “Сув ҳавзаларида норуда материаллари қазиб олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилиниб, шу йил 1 майдан Чирчиқ, Сангзор, Зарафшон, Норин, Қашқадарё ва Сурхондарё дарёлари ўзлашларида норуда материаллари қазиб олишга мўддатсиз мораторий жорий этилди. Кум-шағал қазиб олиш тоғли ёки тоғ олди ҳудудларида амалга оширилади. Ва ниҳоят, пойтахт ҳамда вилоят марказлари ҳавосини ифлослантирувчи асосий омилга барҳам бериладиган бўлди. Фармонга кўра, мораторий даврида дарё ўзанлари, соҳил бўйи минтақалари ва сувни муҳофаза қилиш зоналаридан кум-шағални ноқонуний



қазиб олиш натижасида табиатга етказилган зарар учун ундириладиган сумма 10 баробар оширилди.

Хўш, бу чора қумдан пул ясаётган тadbиркорни тўхтатиб қола оладими? Қум-шағалнинг арзон маҳсулот экани, зарарнинг 10 баробари ҳам тadbиркор учун чивин чаққанчалик таъсир қилмаслигини ҳисобга олсак, мораторий давомиди ҳам зарарни тўлаганлар бемалол фаолиятини давом эттириши мумкин. Шу сабабли, мораторий даврида табиатга зарар етказилишининг олдини олиш учун жамоатчилик фаол бўлиши керак. Содири этилган ҳуқуқбузарликлар учун жазо чорасини янада кучайтириб, зарарни ундиришдан ташқари жиноий жавобгарлик чораси ҳам белгиланса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Экологик вазиятга салбий таъсир қилаётган омиллардан яна бири транспорт воситалари ҳаракатининг тартибга солилмагани билан боғлиқ. Светофорлар, йўл белгиларининг бетартиб, илмий асосланмаган ҳолда ўрнатилиши

Ташлангани сунъий тирбандликлар келтириб чиқариш, транспорт воситаларининг ортиқча ёқилги сарфлаб, ҳавони кўпроқ ифлослантиришига сабаб бўлмоқда.

Яқинда Самарқандда бордик. Йўлга нақд 5,5 соат сарфладик. Авваллари 3-3,5 соатда манзилга етиб борардик. М-39 йўлининг Ғаллаорол шаҳридан ўтуви қисмига қўшимча 4 та светофор ўрнатилибди. Светофор транспорт воситаларига 30-34 сония, пидедаларга 28-30 сония “йўл очаяпти”. Бор-йўли 10-12 та транспорт ўтар-ўтмас, қизил чироқ ёнади. Пидедалар ўтиш жойидан эса аҳён-аҳён бир-икки пидеда ўтади. Усаматга бурилиш жойида 3-4 километри тирбандлик пайдо бўлган. Тирбандлик ортага бурилиш йўлини ҳам тўсиб қўйгани боис, қайрилувчи машиналар Самарқанддан келаятган транспорт воситалари йўлини тўсиб қўйган. На ортага, на олдинга йўл бор. Бақир-чақир, асабозарлик ҳаддан ошган. Биздан олдинда турган юк машинасидан буруқсиб чиқаятган тутундан нафас олиб бўлмайдими...

Тахсиллар экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш лозимлигини кўрсатмоқда. Жумладан, Мамурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Жиноят кодексининг тегишли моддаларида назарда тутилган санкциялар таъсирчан эмас ва улар табиатга етказилган зарарни қоплаш, йўқотишларни тиклаш имконини бермайди. Статистик маълумотларга кўра, 2023 йилда мамлакат бўйича 1221 шахсга нисбатан 1209 та мамурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўрилган бўлиб, шундан 980 иш юзасидан 990 кишига нисбатан мамурий жазо қўлланилган ва ҳуқуқбузарлар бор-йўғи 1 миллиард 543 миллион 291 минг сўм жаримага тортилган! Судлар томонидан 153 шахсга нисбатан 79 та жиноят иши кўрилиб, уларнинг 70 нафарига озолини чеклаш, 7 нафарига озолини маҳрум қилиш жазоси белгиланган. Қўрилган ишларнинг асосий қисми экинзорлар, дарахтлар ёки бошқа ўсимликларни шикастлантириш ёхуд нобуд қилиш, ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш жиноятлари ҳиссасига тўғри келади.

Таъкидлаш керакки, 2022-2023 йиллар давомидида ЖКнинг экология ҳафизлигида оид норма талабларини бузиш, атроф-табиий

Муаммонинг ечими оддий. Ўша ерда пидедалар махсус қурилма орқали сигнал бергандагина яшил чироқ ёнадиган тизимни жорий қилиш керак. Ёки светофорнинг кўк чироғи транспорт воситаларига — 90 сония, пидедалар учун 12-16 сония ёнса бас. Ҳеч қандай тирбандлик бўлмайди.

Тошкент ва бошқа йирик шаҳарлардаги тирбандликларнинг асосий сабабларидан бири ҳам шу светофорлар. Уларнинг чорраҳаларда транспорт оқими қўламини қараб, илмий асосланган тарзда ўрнатилмагани йўлларнинг ўтказувчанлик қобилияти сунъий равишда камайишига сабаб бўлмоқда.

Экологик вазиятни барқарорлаштиришда аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида экологик саводхонлик ва маданиятни юксалтириш муҳим ўрин тутари. Болаларни табиатга муҳаббат, атроф-муҳитга, табиий ресурсларга оқилона муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш ҳам муҳим. Шу муносабат билан мактаб, олий таълим дастуруларига аҳолининг экологик маданиятини юксалтиришга оид ўзгаришлар киритилиши лозим. Шу ўринда, “Экологик маданият тўғрисида”ги қонуни қабул қилиш вақти етганини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Экологик муҳитни яхшилашда жамоатчилик назоратини янада кучайтириш шарт қилувчи ўрин тутганини ҳам эсдан чиқармаслик зарур. Негаки, лоқайдлик энг катта фожа. Ҳозирги кунда ўз маҳалласидаги дарахтзорни қурилиш компанияси қонунга ҳилоф равишда кесаятганини кўриб, бу ҳолатдан индамай кўз юмаятганлар камми орамида? Ёки чинқиндини ҳеч иккиланмасдан кўчага ташлаб кетаётган, кўчада писта чақиб, атрофни чинқиндига тўлдиряётган кимсаларни кўриб-кўрмасликка олувчилар йўқми?

Тахсиллар экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш лозимлигини кўрсатмоқда. Жумладан, Мамурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Жиноят кодексининг тегишли моддаларида назарда тутилган санкциялар таъсирчан эмас ва улар табиатга етказилган зарарни қоплаш, йўқотишларни тиклаш имконини бермайди. Статистик маълумотларга кўра, 2023 йилда мамлакат бўйича 1221 шахсга нисбатан 1209 та мамурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўрилган бўлиб, шундан 980 иш юзасидан 990 кишига нисбатан мамурий жазо қўлланилган ва ҳуқуқбузарлар бор-йўғи 1 миллиард 543 миллион 291 минг сўм жаримага тортилган! Судлар томонидан 153 шахсга нисбатан 79 та жиноят иши кўрилиб, уларнинг 70 нафарига озолини чеклаш, 7 нафарига озолини маҳрум қилиш жазоси белгиланган. Қўрилган ишларнинг асосий қисми экинзорлар, дарахтлар ёки бошқа ўсимликларни шикастлантириш ёхуд нобуд қилиш, ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш жиноятлари ҳиссасига тўғри келади.

Таъкидлаш керакки, 2022-2023 йиллар давомидида ЖКнинг экология ҳафизлигида оид норма талабларини бузиш, атроф-табиий

муҳитнинг ифлослангани тўғрисидаги маълумотларни қасддан яшириш ёки бузиб кўрсатиш, ифлосланиш оқибатларини баргараф қилиш чораларини кўрмаслик, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг режими бузишига доир моддалари билан бирорта жиноят иши судларда қўрилмаган.

Бошқача айтганда, ЖКнинг “Экология соҳасидаги жиноятлар”га бағишланган бобидаги 11 та моддалардан фақат 3 таси “ишлаб турибди”, 7 таси “қотиб қолган”, ишламапти. Ҳаётда бунақа қонунбузарликлар содир этилмаётган бўлса керак-да, десак, ҳеч ким ишонмаслиги тайин. Унда гап нимада? Бизнингча, гап бу моддалар диспозицияси маъхум ва амалда қўллашга яроқсизлиги, оддийроқ қилиб айтганда, замондан орқанда қолгани билан изоҳлаш мумкин. Глобал экология муаммолари етилиб келган ҳозирги даврда уларни тўлиқ қайта кўриб чиқиш, таъсирчанлиги, мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлигини ошириш талаб этилади.

Кўрииб турибдики, қонунбузарларга қўлланилган мамурий ва жиноий жазо чоралари табиатга ҳақиқатан етказилган зарарнинг қўламага мос эмас. Яқинда ижтимоий тармоқларда Бектемир туманидаги иссиқхоналардан бири автомобил шиналари орқали иситилаётгани, масулар қонунбузардан тушунтириш хати олиб, автотранспорт шиналарини ёқмаслик тўғрисида огоҳлантиргани, ҳозирда табиатга етказилган зарар ҳисобланаётгани ҳақида хабар тарқалди. Хўш, огоҳлантириш ёки 3-4 миллион сўмлик зарар ундирилиши табиатга, аҳолининг саломатлигига етказилган зарарнинг ўрнини қоплай оладими? Йўқ, албатта. Тadbиркорни жиноий жазога тортиш масаланинг ечими эмас. Катта жарима иссиқхона эгасини “синдириб” қўйиши тайин. Нима қилиш керак? Бизнингча, энг тўғри йўл, тadbиркорга, мисол учун айтайлик, 200 тулп қўчат экиб, парваришлаб бериш мажбуриятини юклаш.

Ёки бошқа бир мисол: ёз, қуз ойларида ҳар қадамга ҳазон ёхуд ғалладан бўшаган майдонларни ёқиш ҳолатлари кузатилади. Ҳуқуқбузар арзимаган жаримага тортилади. Аммо бу табиатга етказилган ҳақиқий зарар ўрнини қоплай оладими? Асло. Бу ерда ҳам қонунбузарга “дарахт ёки, парваришлаб бериш” жазосини қўллаш энг самарали усул бўла олади.

Бошқача айтганда, ҳуқуқбузарларга мамурий, жиноий жазолар, етказилган зарарни қоплаш чоралари билан бирга, “табиий муҳитни асл ҳолига келтириш” учун таъсирчан чора қўллаш зарур. Масалан, дарахтларни ноқонуний кесган шахсга нобуд бўлган дарахтларнинг 20 дан 100 баробарига миқдориди кўчат экиб, парваришлаб бериш мажбуриятини юклаш ва бу ишнинг бажарилишини охиригача назорат қилиш керак. Масалан, қонунбузар 20 тулп уч-тўрт йиллик дарахтларни қонунсиз кесса, унга нисбатан 20 баробар — 400 та кўчат экиб, парваришлаб бериш жазоси қўлланилади. Фақат шу йўл билан ҳуқуқбузарларни тийиш, табиатга етказилган зарарни қоплаш, экологик хавфни баргараф этиши мумкин.

Ихтиро

Қурилма телефонингизга ис газидан огоҳлантирувчи хабарнома юборади

Яхши хабар тез тарқалади. Нукуслик ёш ихтирочи Алишер Файзуллаев ис газидан заҳарланишнинг олдини олувчи қурилма яратди



Алишер билан унинг офисида учрашдим. Икки қаватли бинода “Sim sim” IT ўқув марказини ташкил қилибди. Сухбат давомиди ис газидан заҳарланишнинг олдини олиш қурилмаси гоёси қандай пайдо бўлгани билан қизиқдик.

— Бир опамиз ис газидан заҳарланишлар ва ёнғинлар кўпайиб кетганини айтиб, “Унинг олдини олиш чоралари йўқми? Сиз шундай лойиҳа устида ишлаб кўрмайсизми?” деб таклиф берди. Шундан сўнг изланишларни бошладим. Утган йил август ойида лойиҳамга Қорақалпоғистон

Жўқорғи Кенгеси томонидан 50 миллион сўмлик грант ажратилди, — дейди Алишер Файзуллаев. — Қурилма тузилмасини Хитойга жўнатдим. Хитойлик мутахассислар арзонроққа ясаб берди. Синовдан ўтказганимда ахборот етказувчи антенна сигнални кучсизлик қилди. Камчиликларини баргараф қилдик.

Алишер Файзуллаевнинг асл мутахассислиги бошқа. М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиалини тутаган. Магистрлик даражасини эса Москвада олган. Икки йил Россияда турли компанияларда моливий маслаҳатчи сифатида ишлаган. Айти пайтда Нукус шаҳридаги Президент мактабиди физика фанидан дарс беради. Аммо унинг болалиқдаги орзулари устун келиб, ҳозир IT йўналишида фаолият юритмоқда.

— Янги гоёларни реалликка айлантиришга қизиқаман. Янги ихтиролар устида ишлаш жуда завқли, — дейди Алишер. — Дастурлаш сирлари, асосан, интернетдан, робототехникани он-лайн курсларда ўргандим.

Ис газидан заҳарланишга сабаб бўлган газнинг ҳаётга зарари оқилона равишда таъсир этади. У гемоглобин билан кислордга

нисбатан 300 карра кучли бирикма — карбоксигемоглобин ҳосил қилади. Оқибатда гемоглобиннинг тўқималарга кислорд ташиш хусусияти кескин пасайиб, гипоксияга, оғир ҳолатларда эса аноксияга олиб келиши ва ҳалок қилиши мумкин. Шунингдек, табиий газнинг тўлиқ ёнмаслиги, бехосдан узилиб қолиши, хона ичида тўпнаниши, табиий газни ёқиш, қаровсиз қолдириш, қувурларни улашда хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик оқибатда чакнаш, ёнғин ҳамда табиий ва ис газидан заҳарланиш ҳолатлари каби турли фавқулодда вазиятлар содир бўлади.

Аксарият қурилмалар фақат табиий — пропан ва метан газларни сезади. Шунда автоматик тарзда газ келишини тўхтатади.

Алишер ихтиро қилган қурилманинг шу пайтгача мавжуд муқобилларидан фарқи шундаки, заҳарли газ сизиб чиқишини тўхтатибгина қолмай, хонадон аъзолари қўл телефонида бу ҳақида тезкор ахборот юборади.

— Қурилма газ чиқиши мумкин бўлган жойга ўрнатилади. Газ ҳидини сезса, дарҳол клапани ёпади. Хонадон эгаси қўл телефонида СМС ахборот жўнатади. Жараён давомиди эгасига қайта жў-

натилган СМС фавқулодда вазиятлар бошқармасига ҳам юборилади. Қурилмага чип ўрнатилади. Аккумулятори доимий равишда қувват олиб туради. Агар электрда узилишлар бўлса, аккумулятор ишга тушади, — дейди Алишер Файзуллаев.

Қурилма Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ва газ таъминоти корхонаси ходимлари томонидан Нукус шаҳридаги турар жойларда муваффақиятли синовдан ўтказилди.

Айти пайтда Алишер Файзуллаев ўзи яратган қурилма учун патент олиш ва аҳоли учун кўп миқдорда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳаракатида.

— Дастлабки лойиҳамда 2021 йил IT-парк инкубация дастури асосида “Ақли уй” қурилмасини ясадим. Лойиҳа қиймати 27 миллион сўм атрофида эди. Сўнг сув сатҳини ўлчайдиган “Ақли ҳисоблагич” ҳам ихтиро қилганман. Қорақалпоғистон Сув хўжалиги вазирлиги билан шартнома тузиб, 89 дона “Ақли ҳисоблагич” етказиб берганман. Шунингдек, 2023 йилнинг бошида “Интернет орқали бошқариладиган қурилмалар” деб номланган 5000 дан ортиқ Тараққиёт дастури томонидан 5000 доллар маблағ билан молиялаштирилган, — дейди сухбат чоғида Алишер.

Алишер Файзуллаев бугунги кунда “Sim sim” IT ўқув марказида ёшларга робототехника йўналишида курслар ташкил қилган. Марказ буюртма асосида ҳар хил қурилмалар ясаб, веб-сайтлар яратиш билан ҳам шуғулланади. Асосийси, янги гоёлар янги ихтироларни пайдо қилмоқда.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Театр куни

Бу муқаддас даргоҳга алоҳида тайёргарлик билан келиш керак

ёхуд “Алишер Навоий” спектаклининг умрбоқийлик сири



Муножат МҶМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Мактабдан шоби келган ўғлим “Ойи, мен Амир Темури ҳақидаги спектаклни кўришим керак”, деди-ю, “Театрга олиб бораёми?” дегунимча уни интернетдан излай бошлади. Адабиёт дарсида “Сохибқирон” драматизи ўтилган экан. Устози ўқувчиларни роҳларга бўлиб, матнни ўқиттирган, агар саҳна асари томоша қилинса, образга кириш осон бўлишини айтган. Жонли ижроларни дарсликдаги матн билан солиштирган фарзандим спектаклдан кўп маълумотлар олганини айтди. Эртаси куни спектаклни кўрган бошқа болалар ҳам шу гапни такрорлади. Бундан жуда қувондим, кўнглим ёришди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йил якунида Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида театр санъатини ривожлантириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиши ҳақида бежиз гапирмади. Дастурда пьесаларга ижодий буюртма бериш, ижодий ва ёрдамчи ходимларнинг чет эл театрларида маҳоратини ошириш, ёш режиссёрларни қўллаб-қувватлаш, Маннон Уйғур номидаги мукофот таъсис этиши каби вазифалар назарда тутилган бўлиши лозимлиги эса айтилди. Энг қувонарлиси, корхона ва муассасаларда ойда бир марта ходимларнинг театрга бориши йўлга қўйилгани бўлди. Ажабмас, ходимлар дам олиш кунлари оиласини ҳам бугун олиб келишни кўнглига тугса.

Бугун театр ўриндиқлари яна тўла бошлади, комедик спектаклларга томошабин сизга қўлаётганини ҳам эшитялмиз. Бу яхши, албатта. Тарихий спектаклларга ҳам қизиқиш ортиб, фақат бир муносабат билан эмас, ҳар доим томошабин оқими кўпайса эди, буюк сиймоларимизни тереңроқ англадик.

“Бир муносабат”, деб нимага ишора қилганимиз сизга аён. Февраль ойида икки буюк мутафаккир — Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудига сабаб бобокалонларимизга бағишланган спектакллар тез-тез саҳна юзини кўриб қолади. Аслида, улар театр репертуаридан мунтазам ўрин олиши, ёшларни тарихий спектаклларга кўпроқ эътиборли бўлишига чорлаши керак. Чунки театр саҳнасида намойиш этилган ҳар қандай тарихий асар бугуннинг бесаёр ёшларини да таъсирлантириши аниқ. Жумладан, Уйғун ва Иzzат Султон муаллифлигидаги “Алишер Навоий” пьесаси ҳам мутафаккир бобомиз биографиясининг энг муҳим қирраларини оча олгани билан қимматли.

Спектаклда ёшлар ўз тасавуридаги Навоийни кўради. Зеро, 1945 йили Ҳамаза театрида режиссёр Маннон Уйғур томонидан саҳналаштирилган “Алишер Навоий” асари саҳнага қайта-қайта ишланган, узоқ тайёргарлик кўрилган. Санъатшунослик фанлари доктори, профессор Дилфуза Раҳматуллаеванинг “Тарих ва театр” китобида режиссёр Назира Алиева Маннон Уйғурнинг ўзинга айтган гапларини бундай хотирлайди: “Ишчи Навоий даври ва



ижодини мукамал ўрганишдан бошладимиз. Энди бу ишни давом эттирасиз. Мен Иzzат Султон ва бошқа адабиётшунос олимлар билан келишиб қўйганман. Театрда Навоий даври ва ижодини ўрганиш бўйича юксак савияли лекциялар силсиласини уюштирамиз. Бу ишга ўзингиз раҳбарлик қиласиз. Ҳозирроқ “завтруппа”га айтиб, эълон чиқартиринг. Эртага Иzzат Султон Навоий ҳақидаги биринчи лекциясини бошлайди”.

Демак, асарни саҳналаштиришга мана шундай катта тадорик билан киришилди. Спектакль давомида томошабин Навоийнинг халқ манфаати учун қилган ишлари, шoirнинг Астрободдаги ҳаёти, Мўмин Мирзонинг қатли билан боғлиқ тарихий ҳақиқатларни кўради, бир мuddат ўша даврга тушиб қолгандек бўлади. Ижодий жамоа Навоийнинг инсонпарварлигини кўрсатиш мақсадига тўлақонли эришган. Зеро,

томошабин театрдан Алишер Навоий нақадар буюк шахс экани, абадий барҳаётлигига амин бўлиб қайтади.

Уйғуннинг юқоридаги манбада келтирилган қуйидаги фикрлари эътиборимизни тортиди: “Драма муваффақиятида Уйғур оғанинг хизматлари жуда катта эканини таъкидлашим керак. Оға билан жуда кўп ишлашга тўғри келди. Драманинг ҳар бир кўриниши, ҳар бир саҳнасини ёзаётганимизда унинг бебаҳо маслаҳатлари қўл келган. Оға ҳам режиссёр, ҳам адабиётчи, ҳам драматург сифатида бир неча пьесалар ёзган тенги йўқ одам эди. У тарихни ҳам, адабиётни ҳам, аниққисса, тили зўр биларди. Саҳна асарининг тили ажралиб туриши керак. Навоий даври тили, одамларнинг гапириш йўллари, муомала маданияти бошқача бўлган. Буни Маннон Уйғур яхши биларди, ай-

ниқса, актёрлар талаффузига эътибор беради. Шунинг учун ҳам Навоий сўзлари Аббор ака, Олим Хўжаев тилида жозибали жанрланган. Улар шу асосда ўзларини учун катта мактаб яратдилар”.

— Ўша давр сийсати сабаб спектакль турлича қарашлар силсиласида чиғиринқлардан ўтарди. Ҳар кеча қўйилганда спектакль турли тўсқинларга дуч келар эди. Муҳокамалардан бирида Ойбек қатнашгани, Навоий ва Хўсайн Бойқаро ўртасидаги кескинликни юмшатишни илтимос қилгани эсимда, — деб хотирлаган эди машҳур актёр Зикир Муҳаммаджонов.

Алишер Навоий шахсига доир ҳамон баҳс-талаб жихат — Гули образи ҳақидаги фикрларни ўрганар эканмиз, Уйғуннинг “Навоий образини баркамол очиб уни драманинг конфликтини кучли бўлиши ва интригасини кучайтирадиган воқеа келар эди. Шунинг учун Гули образини олиб кирганимиз. Навоийнинг қуруқ илмий сиймоси, давлат арбоби экани кўрсатилса-ю, унинг ички дунёси, туйғуларни кўрсатилмаса, албатта, драма кучли чиқмас эди”, деган гапларини келтиришни жоиз билдик.

Спектакль тарихига назар солар эканмиз, уни томошабин қалбига етказишда муносиб ҳисса қўшган ва қўшиб келатган Ўзбек Миллий академик драма театри актёри ва актрисаларининг ҳам мазкур саҳна асари ҳақидаги сўзларига қўлоқ тутдик.



Рихси ИБРОҶИМОВА, Ўзбекистон халқ артисти:

айтарди бу қўшиқни, овози жуда чиройли бўлган. Шу қўшиқ билан саҳна ёришиб, Олим ака — Навоий пайдо бўларди. Жонли қўшиқ айтилмаса, спектаклда ҳам жон йўқдай бўлган ўшанда.

Бир сафар Олим ака Гулини Хўсайн Бойқаронинг ҳарамидан олиб чиқиб кетилганидан саҳнада мени кўтариб чиқиб кетаётган, қўлидан тушириб юборган. Ваҳоланки, мен жуда нозик қиз бўлганман. Ёши катта бўлиб қолгани сезилган ўшанда. Спектаклнинг телевидениеда ёзилган варианты йўқлиги ҳам шундан. “Гули менинг қизимдек бўлиб қолди”, деб ўчиртириб юборган Олим ака. Гулининг ўлимига бағишланган “Сенга беш бебаҳо ҳайкал қўюрман”, деган кичкинагина саҳна кўриниши қолган, холос.

Турғун Азизовнинг “Алишер Навоий”си ҳам жуда яхши постановка бўлди. Бу спектаклда, асосан, уруш картинаси, халқ билан Навоийнинг муносабати кўрсатилди. Ҳозирги кун ёшлари, албатта, бу спектаклни кўриши керак. Афсуски, спектакль деярли қўйилмайди. Кўп иштирокчилар йўқ.

Сухбат чоғи Рихси опа бизга Алишер Навоий билан Гули ўртасида бўладиган диалогларнинг ҳаммасини ёддан айтиб берди. Орадан қанча вақт ўтишига қарамай, матнлар ҳамон хотирасида қолганидан ҳайратимизни яширмадик, актриса барча роҳларидидаги партнёрлари сўзларини ҳам ёддан билишини айтиб, ҳайратимизни оширди. “Касал бўлиб қолсам ҳам, образга кирганимдан кейин тузалиб кетаман”, дейди Рихси опа. Мана, ўз ишига, саҳнага чинакам муҳаббат!..



Эркин КОМИЛОВ, Ўзбекистон халқ артисти:

— Ўша пайтдаги спектаклларни қайта қўйиш, классик асарларни йўқотмаслик керак. Аниққисса, буюк сиймоларимиз, тарихий шахсларимиз, жадидлар ҳақидаги спектакллар саҳнадан тушмаслиги лозим. Зеро, бугун жадидлар деганда кимларни тушунасиз, деб савол

берилса, жавоб беролмайдиган ёшлар бор. Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улуғбек каби бобокалонларимизни-ку, шундоқ ҳам билишлари шарт. Улар ҳақида ёш авлодга сўзловчи спектакллар бугун ҳам бор. Масалан, “Алишер Навоий”, “Ўлдүзели тунлар”, “Мирзо Улуғбек” шулар жумласидан. “Алишер Навоий” спектаклига тўхталадиган бўлсак, аввало, кўз олдимга Олим Хўжаев келади. Нима десак ҳам, барибир “Олтин девор”ни Ғани Аъзамов, “Парвона”ни Обид Юнусов, Эдигини Шукур Бурҳонов ўзлари билан олиб кетгандек. Олим ака ҳам ўзбекининг чинакам Навоийси бўлиб қолди.

Маннон Уйғур саҳналаштирган спектаклда бу буюк театр дарғаси билан Хондамир роҳини ўйнаганман. “Эй Насимий, сўбх аҳволим дилоромимга айт”, деганда бадалларим титраб кетарди. Турғун Азизов саҳналаштирган “Алишер Навоий”да эса менга Жомий роли берилган. Негадир Хўсайн Бойқаро роҳини ўйнагани келарди, кейинроқ бу ҳам насиб этди. Бугун халқимиз спектаклнинг энг сўнгги постановкасида Бехзод Муҳаммаджаримов, Толибжон Мўминов гавдалантирган Навоийни кўрапти. Иккаласи ҳам ҳурматли, ўзинга яраша ўрни бор актёрлар. Аниққисса, Бехзод-

да лирикага мойиллик кучлироқ, ғазалларни равои ўқийди. Қайси даврда, ким томонидан ўйналмасин, халқ буюк сиймоларини таниши, яқинроқ билиши керак.

Шундоқ ҳам томошабин келмапти, деб комедияга, масхараболикка йўл қўйган пайтларимиз бўлди. Аслида, театр, аниққисса, Ўзбек Миллий академик драма театри йўл-йўлақай қиларидиган жой эмас, бу муқаддас даргоҳга алоҳида тайёргарлик билан келиш керак. Бир пайтлар узоқ худудлардан самолётда келиб, спектакль кўриб кетгандек бўлган эдик. Эллика яқин буюк актёр ўтиб кетди. Уларнинг ўрнини босадиган актёрлар эса жуда кам.

Режиссёр Рустам Ҳамидов Ўзбекистон Миллий академик драма театри саҳнасида мутафаккир таваллудининг 575 йиллигига “Алишер Навоий” спектаклининг яна бир янги талқинини саҳналаштирди.
Актёр Бехзод Муҳаммаджаримов ҳам доғишман, иродали, доимо халқ гаму ташвишдек мураккаб ўша ҳаётини бағишлаган адолатпарвар, оқил ва доно давлат арбоби — комил инсонни халқимизга кўрсата олди.

Бехзод МУҲАММАДКАРИМОВ, театр, кино ва дубляж актёри:

— Отам ҳам, онам ҳам мумтоз адабиётга жуда қизиққан. Навоийга муҳаббати шу даражада юксак бўлганини уларнинг ўша замонларда урф бўлган магнитофонга Навоий ва Гули бўлиб овозларини ёганидан биламиз. Биз, фарзандлар ҳам мумтоз адабиётга муҳаббатли бўлиб улгайдик. Олийгоҳга “Алишер Навоий” монологини ўқиб кирганман. Диплом спектаклида Навоий роли берилган. Ишига масъуляти, фидойи Исоқжон деган домлаамиз саҳна нутқидан дарс беради. Ғазалларни ўқиб топширадик. Бу 80-йилларда телевидениедаги ғазалхонлик кечаларидаги чиқишларимда муҳим омили бўлди. Суйима Ғаниева билан ҳар битта ғазалнинг маъини чақардик. Бошқа олимлар билан ҳам ҳамкорликда ғазал илми билан шугулланардим. Шу маънода айтмоқчиманки, Навоий образини саҳнада жонлантиришга дабурустдан келиб қолмаганман.



Турғун ака “Алишер Навоий” спектаклини саҳналаштиришга киришганида, мен ёш, янги актёр эдим театрда. Навоийнинг ёшлиги менга берилди. 7 та саҳнада мен, Астробод саҳнаси ва якунда Зикир Муҳаммаджонов ва Ёқуб Аҳмедов ўйнади. Гули роҳида — Мадина Мухторова.


Ёшмиз, билакда куч, юракда ўт бор. Биз ҳам театр саҳнасида чиқа олишимизни кўрсатишдек катта мақсадга эришиш учун жон-жаҳдимиз билан ишлаганимиз.

2015 йили режиссёр Рустам Ҳамидов қайтадан саҳналаштирган “Алишер Навоий” спектаклида, ёшим катта бўлиб қолгани босиб, алломанинг кексалик даврини ҳам ўзим ўйнадим. Пьеса ўша давр руҳи билан ёзилган бўлса-да, лирик саҳналарни завқланиб ижро этаман.

Бугун техника даври бўлишига қарамай, театрнинг ўз ихлосмандлари бор. Хусусан, уч соатча давом этадиган “Алишер Навоий” спектаклининг охириги постановкасида ҳам неча марта ўйнаган бўлсам, одамларнинг спектакль тугагунча чиқиб кетмаслигидан хурсанд бўламан. Саҳнада Алишер Навоийнинг ўзи, “Лайли ва Мажнун”да Мажнунни гавдалантирган актёр сифатида айтишни истардимки, Навоийни қанча

кўрсангиз, қанча эшитсангиз, ҳар сафар чуқурроқ англаб бораверасиз.

Ҳа, Навоийни шунчаки англаб бўлмайди. Қайси даврда, қандай ишланган бўлмасин, унинг шахси, фаолиятига доир саҳна асарларини кўриши, керак бўлса, бир-бирига тақдослаш буюк аллома ҳақида биланларингизни янада зиёда қилади. Спектаклдан мақсад — Алишер Навоийни улуглаш, уни борича кўрсатиш ва ёш авлодга танитиш экани билан аҳамиятли.
Қани эди, ўзимиз театрга мазкур спектаклни истаб борсак, фақат февраль ойида эмас, йил бўйи репертуардан тушмаслигини таъминласак... Бу билан навоийлар, бойқарлар, мажидиддин мансурлар, гулиларни танишимиз. Қалбимиздаги ватанпарварлик ҳисси озгина жўш урса, бундай шухуҳга эриша оламиз!



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 469.
9800 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова
Мусаҳҳис: Аслиддин Абдуразақов
Дизайнер: Хуришд Абдуллоев
Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй
ЎЗА якуни — 21:30
Тошхирлиди — 23:25